

қахарманлар образын жаратады. Мәселен, жас Ысақ молла менен онын досты Юсуп хожаның өз ели тарихына болған қызығушылығына итибар беріу арқалы олардың көкірегі ояў, сергек жаслар екенлигин көрсетеди: еки жас өспиримнің Қоңырат қаласы жанындағы Төребий дәуиринен қалған естеликлер, усы жерден өтетугын жипек жолы, оннан қоңыраулары сыңғырлап өтип турған кәрўанлар туўралы қыялға берилиўи, Әмиўдәрья арқалы жүзип келген рус пароходын көргендеги жергиликли халық ўәкиллериниң таң калысыўы х.т.б. ҳәдийселер романда өзине тартымлы жанлы картиналар, сюжетлик деталлар менен сўўретленген. Әлбетте, буларды сўўретлеўде автор тарихий дәреклердеги фактлерге сүйенген, оларды өз дәретіўшилиқ фантазиясы менен байытқан.

Жазыўшының роман сюжет қурыўдағы шеберлиги оның базда авторлық мағлыўматлардан утымлы пайдаланыўында, гейде қахарманлардың еске түсириўлерин ўақыт бойынша кейинге шегиндирип беріўинде көринеди. Бул нәрсе роман поэтикасының өзине тәнлигинен дәрек береді. Мысалы, автордың Ысақ молла аўылының не ушын «Бақырған» деп аталғанын, сондай-ақ бул жердің не себеп «Шейхлар аўылы» делиниўин баянлаўы шығарманың оқыўшы тәрәпинен қызығып оқылыўына, сюжеттиң тартымлы болыўына, сол дәуір ўақыяларын өтмиш ҳәдийселери менен байланыстырыўға хызмет етеди.

Романның улыўма композициялық қурылысындағы көзге түсерлик өзгешеликлердің бири, бул оның «Бақырған журты», «Дәслепки сапар», «Хийўада», «Қоңыраттан алыста» деген үлкен төрт бөлимге бөлиниўинде көринеди. Бул бөлимлердің өз гезегинде «Адасқан жағал ешки», «Қоңырат базарындағы ўақия», «Үйден кетиў», «Дағдарыс», «Зәйнеп», «Шайықлар аўылында», «Қутлы-Мураттың кесилген басы», «Ұатанды қумсаў», «Дәрўиш сўўретинде», «Рәшид хажы», «Ақсақ дәрўиш», «Армин Вамбери», «Ысақ молла әрманлады», «Үйлениў хәм саяхат» х.т.басқа бөлимшелерге ажыратылыўы бир жағынан, роман композициясының өзине тәнлигинен дәрек берсе, екінши жағынан, шығарма ўақыяларының оқыўшы тәрәпинен қабылланыўына қолайлылық туўдырады. Бул компози-

циялық усыл әдебиятымызда Ж.Аймурзаевтың «Қыз-кеткен», К.Мәмбетовтың «Посқан ел» хәм «Түркстан» романларында қолланылған болып, олар «Дәрўиш» шығармасын жазарда автордың қарақалпақ романшылығында дәстүрий баянлаў поэтикасына әмел қылғанын көрсетеди. Демек, К.Каримов өз көркем концепциясын сўўретлеў ушын хәм хронологиялық сюжеттиң, хәм концентрик сюжеттиң имканиятларынан теңнен пайдаланған. Сюжеттиң роман жанры поэтикасындағы орны ҳаққында кейинги дәуірде пайда болған илимий мийнетлерде арнаўлы сөз болған [5].

К.Каримовтың «Дәрўиш» романында сюжет поэтикасының және бир өзгешелиги соннан ибарат, жазыўшы айырым орынларда бурын сўўретленген ўақыяларды әдебий қахарманлардың ядқа түсириў монологлары арқалы қайтадан жанландырады. Сонлықтан олар китап оқыўшылардың ядында қайта тикленип, қахарманлар образын және де толығырақ ашыўға хызмет етеди. Жазыўшы романда орынлы жерлерде диалоглардан баслап ишки монолог, авторлық сўўретлеўлер, қысқа-қысқа пейзажлық көринислер, әдебий қахарманлардың қыймыл-қозғалыслары, ықшам портретлик штрихлар формасындағы сўўретлеўлерге шекем көркем психологиялық хызмет жүклеп, дәуір руўхын хәм қахарман образларын тәсирли түрде сәўлендириўге ериседи.

Жуўмақлап айтқанда, К.Каримовтың «Дәрўиш» романында XIX әсир қарақалпақ елиндеги исламий билим менен мәдениетты терең ийелеўге деген умтылысты, илим-билим ийелеўге деген жаслардың интасын сюжетке арқаў етип, терең мағаналы көркем сўўретлеў формалары менен ашып беріўи, усы бағдарда тарихий шынлықты көркем ҳақыйқатлыққа айландырыўы прозамызда елеўли ҳәдийсе болды. Жазыўшының Ысақ молла, саяхатшы А.Вамбери хәм тағы басқалардың образларын шебер жасаўы дыққатқа ылайық. Усы себепли оқыўшы жәмийетшилиги XIX әсирде-ақ елимизди Европаға танытқан жерлесимиз ҳаққында мақтанш сезимлерине бөленетуғынлығы, бул болса өз гезегинде өсип киятырған жас әўладты дәуирге сай етип тәрбиялаўға хызмет ететугынлығы анық.

Әдебиятлар

1. Каримов К. Дәрўиш. Тарихий роман. -Нөкис: «Билим», 2019;
2. Жаримбетов Қ. К.Каримовтың «Аға бий» романы ҳаққында ойлар. //«Әмиўдәрья» 2013, №5, 78-86-б; Нуржанов П. К.Каримовтың «Аға бий» романы ҳаққында гейпара ойлар. // «Әмиўдәрья», 2002, №3, 78-83-б; Оразымбетов К. Ғәрезсизлик дәуири хәм қарақалпақ әдебияты- Қ.Оразымбетов. Таңламалы шығармалар топламы. Еки томлык. II том, 107-113-б.
3. Вамбери А. Орта Азия бойлап саяхат. -М.: 1874; Усы автор Орта Азия очерклері. -М.: 1868.
4. Камалов С. А Вамбери қарақалпақлар туўралы. -Нөкис: 1995.
5. Нуржанов П. Ҳәзирги қарақалпақ романы, (сюжет хәм конфликт поэтикасы). -Нөкис: «Билим», 2009; Қурунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лўғати. Қайта нашр. -Toshkent: «Akademnashr», 2013.

РЕЗЮМЕ. Мақалада 2000 йиллардаги қорақалпоқ тарихий романи проблематикасининг ва қахрамон образи яратилишининг ўзига хослиги К.Каримовнинг «Дарвиш» асари мисолида таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируется проблема каракалпакского исторического романа 2000-х годов и своеобразие создания образа героя на примере произведения К. Каримова «Дарвиш»

SUMMARY. The article analyzes the problem of the Karakalpak historical novel of the 2000s and the uniqueness of the creation of the hero's image on the example of K. Karimov's work "Darvish".

ЎҒУЗНОМАЛАР: УЛАРНИНГ СОНИ АСЛИДА НЕЧТА?

Д.Орипов - таянч докторант
Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: Ўғузхон, Ўғузномалар, қўлғезма, тарихий аңғана, эпос, тасниф, муқояса.

Ключевые слова: Огузхан, Огузнаме, рукопись, историческая традиция, эпос, классификация, сравнение.

Key words: Oguz khan, Oguz name, manuscript, historical tradition, epic, classification, comparison.

“Ўғузнома” – туркий қавмларнинг муштарак меросларидан бири бўлиб, тарихи узок минг йилликларга бориб тақалувчи китобий эпосдир.

Эски уйғур-турк ёзувида ёзиб қолдирилган “Ўғуз хоқон ҳақида достон”нинг асл нусхаси XV асрда қўчирилган бўлиб, ҳозирда Париж миллий кутубхонасининг “Шефер фонди”да 1001-сақлов бирлиги остида рўйхатдан ўтган. А.Шербак фикрига қўра, ушбу қўлғезма XIII асрнинг охири – XIV асрнинг

бошларида Турфонда қўчирилган [1:17-19].

Бу дегани ушбу эпос шу асрларда шаклланган дегани эмас. Аслида, унинг шаклланиш даври милoddан аввалги асрларга тааллуқли.

“Ўғузнома” эпоси билан бир қаторда, Ўғузхон ҳақидаги достоннинг маълум бир асарлар таркибида келган Ўғузномалар ҳам мавжуд бўлиб, бугунги кунда уларнинг сони 5-6 тани ташкил қилади, дея қаралар эди. Ушбу эпик ёдгорлик Рашидиддин Фазлуллох

Ҳамадонийнинг “Жомеъу-т-таворих”, Абулғозий Баходирхоннинг “Шажараи турк”, “Шажараи тарокима”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома”, Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи” каби асарлари таркибида қайд этилган.

Уларда Нух алайҳиссалом, Ёфас, унинг фарзанд ва зурриёдлари, Ўғузхон, отаси ва қариндошлари билан бўлган жангги, авлодлари ҳақида тизимли ҳикоя қилинади. Шу маънода маълум бир асарлар таркибида келган Ўғузномалар “Ўғузнама”дан фарқланади.

Омма катори мен ҳам Ўғузномалар сонини юқорида қайд этилган рақамлар миқдорича дея ҳисоблардим. Тўғри, Ўғуз ҳокон ҳақидаги сюжетлар баъзи бир асарлар таркибида маълум маънода бор экани ҳақида маълумотга эга бўлсамда, бу ҳали ўз тасдиғини топмаганди.

Филология фанлари доктори, профессор Фузули Баятнинг “Oguz destan dunyasi” китоби Ўғузхон ҳамда Ўғузномалар ҳақидаги қарашларимни янада мустаҳкамлади. Унда номлари зикр қилинган Ўғузномалар, уларнинг таснифи, яратилиш тарихини ўрганиш, биздан янги тадқиқот ва изланишларни талаб қилади.

Китобдаги Ўғузномалар саноғи оз эмас, кўп эмас, нақд 36 тани ташкил қилди. Уларни яратилиш даврига қараб ўрганиш, мақсадга мувофиқдир.

Мақоланинг ибтидосида уйғур ёзувидаги “Ўғузнама” кўлэмаси атоқли олим А.Шербакнинг нуқтаи назарига кўра, XIII асрнинг охири – XIV асрнинг бошларида кўчирилганини таъкидлаган эдик. Эпос тилининг қадимий экани, воқеалар сюжети архаиклиги, унда “Одиссей”, “Манас”, “Алпомиш”, “Рамаяна” каби эпосларига хос элементларнинг учраши, Ўғузхон тарихи аслида бир неча минг йилларга бўйлашишига ишора қилади.

Энди эса Ўғузномалар таснифига тўхталасак: Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Ойбек ад Давадорининг “Тарихдан марваридлар” (Жемчуг из истории восславленных) асари дастлабки Ўғузномалар сирасига қиради. Унга яқин замондош асарлар сирасига Жувайнийнинг Чигатой туркчасига таржима қилинган тарих бўлимидаги Ўғузнама, Язичиўғли Алининг “Таворихи Али Салжук”, Гардизийнинг “Зайнул Ахбор”, Абул Фазл Байҳакийнинг “Тарихи Байҳакий”, муаллифи номаълум “Мажмуаи ат-Таворих вал Кисас”, Заҳириддин Нишопурийнинг “Салжукнома” ва Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларини киритиш мумкин [2:21-22]. Ушбу Ўғузномаларда Ўғузхон, ўғузларнинг келиб чиқиши, ҳарбий юришлари, шажараси ва шу қабилар қайд этилган.

Ўғузномалар ёзиш анъанаси XI-XIII асрларда ҳам давом эттирилди. Бу даврларда Ибн ал-Асирнинг “Ал

Комил фиът-Таворих” (Тарих бўйича мукаммал асар), Алоуддин Отамалик ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушой”, Ҳофизи Абрунинг “Зубдат ут-таворихи Бой-сунқурий”, Маҳмудўғли Ҳасан Баятнинг “Жами Жем Аийн”, Абубакр Техронининг “Китоби Диёрбакр” ҳамда Анварийнинг “Душтурнома” каби асарлар ёзилиб, Ўғузномашунослик маълум маънода давом эттирилди.

XV асрда Равондийнинг “Роҳат уссудур ва оят уссурур” (Кўнгиллар роҳати ва севинч аломати) асарида ҳам Ўғузхон тарихи батафсил бўлмаса-да, имкон қадар тарихга муҳрланди. Фузули Баят ўша асрда Кошон, Исфажоний, Ал-Бундари, Лариний каби ижод аҳли ҳам Ўғузномалар ёзганини таъкидлайди.

Тарихий анъана XVI ҳамда кейинги асрларда ҳам муносиб давом эттирилди. Тарихчи Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-аҳёр” (Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси), “Ҳабиб ус Сияр”, Усмон Байбуртнинг “Таворихи Жади Мират-и Жаҳон”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо фи сийрат ул-анбий ва-л-мулк ва-л-хулафо” (Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи), Салир Бобо Гулалӣўғлининг “Ўғузнама”, муаллифи номаълум “Таворих-и Гузуду Нусратнома”, Сайид Локманнинг “Хунарнома”, “Салимнома”, “Шаҳаншоҳнома”, Имомийнинг “Хоннома”, Узункўпру “Ўғузнамаси”, Қозон Ўғузнамаси, Гурбангелди Ўроз Муҳаммад Мулла ўғлининг “Ўғузнама”си, Нурмуҳаммад Андалибнинг “Ўғузнама” ва Ўрхун Шойиқ Гўкёйнинг “Ўғузнама”си шулар жумласидандир.

Ушбу Ўғузномалар таснифига диққат билан разм солинса, улар араб, форс, турк тилларида, латин алифбосида ёзилганини пайкаш мумкин.

Шунингдек, Самарқанд, Тошкент, Истанбул, Ашхобод, Санкт-Петербург шаҳарларидаги кутубхоналарда ҳам муаллифи номаълум Ўғузномалар мавжуд бўлиб, улар ёзилиш услуби, тили жиҳатидан Рашидиддин ва Абулғозий Баходирхон қаламига мансуб Ўғузномалар таъсирида тарихга муҳрлангандек таассурот уйғотади.

Ўғузномалар тарихи ва таснифи аслида, уларнинг сони бундан-да кўп эканини кўрсатмоқда. Ўғузномаларни ўзаро бир-бири билан қиёслаш, тарихий таснифини яратиш, уйғур ёзувидаги “Ўғузнама” билан муқояса қилиш, Ўғузхон шахсиятига оид тарихий маълумотларни аниқлаштириш, фан олдидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса янги тадқиқотлар, илмий изланишлар, баҳс-мунозараларни талаб қилади.

Адабиётлар

1. Щербак А.М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. Памятники древнеуйгурской и староузбекской письменности. – М.: Изд-во восточной литературы, 1959. – С.106-107.
2. Bayat Fuzuli. “Oguz destan dunyasi. Oguznamelerin Tarihi. Mitolojik Kökenları ve Teşekkülü” (Fuzuli, Oguz destan dunyasi, 2013).

РЕЗЮМЕ. Ўғузномалар туркий халқлар орасида кенг тарқалган асарлар сирасига қиради. Ўғузномалар XII-XIII асрлардан бошлаб то ҳозирги кунга қадар давом этиб келаётгани эътиборга молик жиҳат. Ўғузномалар ҳақида фон Диц, Х.Кўрўғли, Н.Раҳмонов, Ф.Баят, А.Шомил сингари атоқли олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Ушбу асарлар ҳақида яна кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилиши, табиий. Ушбу мақолада ёш тадқиқотчи томонидан янги Ўғузномаларга оид фикрлар билдирилади ҳамда имкон борича асосланади.

РЕЗЮМЕ. Огузномы являются одними из самых распространенных произведений среди тюркских народов. Примечателен тот факт, что проповеди продолжались с XII-XIII веков до наших дней. Фон Диц о проповедях, Х.Куругли, Н.Рахмонов, Ф.Баят, А.Такие известные ученые, как клещи, проводили исследования. Естественно, что об этих работах будет больше отзывов. В этой статье молодой исследователь высказывает свое мнение относительно новых рекомендаций и обосновывает их, когда это возможно.

SUMMARY. Oguznoms are one of the most common works among the Turkic peoples. It is noteworthy that the sermons continued from the XII-XIII centuries to the present day. Von Dietz on sermons, H.Kurugli, N.Rakhmonov, F.Bayat, A. Such famous scientists as ticks conducted research. Naturally, there will be more reviews about these works. In this article, a young researcher expresses his opinion on new recommendations and justifies them whenever possible.